XALQ DEPUTATLARI BUXORO VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 4 - mart VI-51-29-2-0-K/22 Buxoro viloyati hokimligi

Жондор тумани “Ромиш” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Янгиобод” аҳоли пункти номини “Юқори Янгиобод” аҳоли пункти номига ўзгартириш тўғрисида

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига асосан ҳамда Жондор тумани ҳокимининг “Ромиш” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Янгиобод” аҳоли пункти номини “Юқори Янгиобод” аҳоли пункти номига ўзгартириш тўғрисидаги 2022 йил 31 январдаги 01/182-сонли таклифини кўриб чиқиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Жондор тумани ҳокимлигининг “Ромиш” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Янгиобод” аҳоли пункти номини “Юқори Янгиобод” аҳоли пункти номига ўзгартириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Жондор тумани ҳокимлиги (С.Ҳикматов), вилоят статистика бошқармаси (У.Жуманазаров)га тегишли давлат рўйхатидан ўтказиш идоралари билан биргаликда мазкур қарордан келиб чиқиб ҳисоботларга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (О.Жўраев)га мазкур қарорни “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминлаш топширилсин.

4. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгилансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси (Н.Баракаев) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси **Б.Зарипов**